

ХИЗМАТЛАР

Хизматлар кўрсатишнинг сифати ва қулайлигини тубдан ошириш бўйича қабул қилинган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар 2017 йил январь-сентябрь ойларида бозор хизматлари ҳажмини 77250,8 млрд.сўмга етказиш имконини берди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 106,9 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш (2017 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига)


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами – хизматлар	77 250,8	106,9	100,0
жумладан асосий турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	5 637,0	117,8	7,3
молиявий хизматлар	10 772,5	138,3	14,0
транспорт хизматлари	20 718,0	102,0	26,8
шу жумладан:			
автотранспорт хизмати	10 414,5	96,8	13,5
яшаш ва овқатланиш хизматлари	2 531,4	111,3	3,3
савдо хизматлари	21 789,7	99,3	28,2
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	2 718,7	102,6	3,5
таълим соҳасидаги хизматлар	2 668,5	108,1	3,5
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1 167,8	110,6	1,5
ижара хизматлари	1 789,9	100,4	2,3

давоми

	Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	1 630,7	101,5	2,1
шахсий хизматлар	2 245,0	102,0	2,9
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	950,3	108,8	1,2
бошқа хизматлар	2 631,3	106,0	3,4

«2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури»ни амалга ошириш натижасида молиявий хизматлар – 138,3 фоизга; алоқа ва ахборотлаштириш – 117,8 фоизга; яшаш ва овқатланиш – 111,3 фоизга; соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 110,6 фоизга юқори ўсиш суръатларига эришилди.

2017 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига хизматлар таркиби
(жамига нисбатан фоизда фоизда)



Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 28,2 фоизи), транспорт хизматлари (26,8 фоизи), молиявий хизматлар (14,0 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (7,3 фоизи) ҳиссасига тўғри келди.

Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш
(2017 йилнинг январь–сентябрида)

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	2016й. январь– сентябрига нисбатан фоизда	жами хизматлар ҳажмига нисбатан фоизда	минг сўм	2016й. январь– сентябрига нисбатан фоизда
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	77 250,8	106,9	100,0	2 390,5	105,1
Қорақалпоғистон Республикаси	2 351,1	106,4	3,0	1 287,6	104,9
вилоятлар:					
Андижон	4 149,1	103,7	5,4	1 392,1	101,9
Бухоро	3 320,2	102,6	4,3	1 791,6	101,1
Жиззах	1 660,6	105,2	2,2	1 267,5	103,2
Қашқадарё	3 705,7	104,2	4,8	1 191,5	102,1
Навоий	2 186,3	104,4	2,8	2 305,0	102,7
Наманган	3 393,6	105,1	4,4	1 271,1	103,2
Самарқанд	4 862,5	104,5	6,3	1 322,5	102,6
Сурхондарё	3 093,4	103,3	4,0	1 246,6	101,2
Сирдарё	1 003,7	106,1	1,3	1 242,6	104,5
Тошкент	6 650,3	102,3	8,6	2 340,6	101,1
Фарғона	4 663,8	104,0	6,0	1 300,9	102,3
Хоразм	2 146,7	103,7	2,8	1 201,7	102,1
Тошкент ш.	25 555,5	112,7	33,1	10 474,9	111,0

Худудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрига (112,7 фоиз) тўғри келди.

¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшиган ҳолда.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (10 474,9 минг сўм), Тошкент (2 340,6 минг сўм) ва Навоий (2 305,0 минг сўм) вилоятларида қайд этилди.

Республика бўйича кўрсатилган хизматларнинг 60 фоиздан ортиғи Тошкент шаҳри (33,1 фоиз), Тошкент (8,6 фоиз), Самарқанд (6,3 фоиз), Фарғона (6,0 фоиз) ва Андижон (5,4 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Хизматлар соҳасида нодавлат секторининг (88,5 фоиз) улуши давлат сектори улушидан (11,5 фоиз) кўп бўлиб 68 355,8 млрд. сўмни ташкил қилади.

**2017 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига хизматлар соҳасида
давлат ва нодавлат секторининг улуши**

(жамига нисбатан фоизда)

